

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

АМАЛИЙ МАТЕМАТИКА ВА ИНФОРМАТИКА

КАФЕДРАСИ

DELPHI

дастурлаш тили

Термиз-2011 й

АННОТАЦИЯ

Сўнги йилларда дасурлашга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу компьютер технологиясининг кун сайин ривожланиб бориши билан боғлиқдир. Айниқса визуал дастурлаш технологияларидан фойдаланиб дастурлар яратиш компьютер технологиясининг ривожланишига катта таъсир этмоқда.

Ушбу ўқув қўлланмада талабаларга Delphi дастурий воситасида визуал дастурлаш технологиялари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши учун керакли маълумотлар берилган.

Мазкур услубий қўлланма олий ўқув юртларининг талабалари учун “Дастурлаш асослари”, “Delphi дастурлаш тили”, “Объектга йўналтирилган дастурлаш” фанларидан амалий ва тажриба машғулотлари ўтказишга мўлжалланган.

Услубий қўлланма Delphi да программалашни ўрганиш учун зарур бўлган асосий тушунча ва кўрсатмаларни ўз ичига олган.

Тузувчилар:

к.ўқ. Л.Ю. Тураева,
ўқ. Ш.А.Менглиев,
ўқ. Б.Хуррамов

Тақризчи:

ф.м.ф.д.доц Ч.Б.Нармурадов

Кириш

Ҳозирги вақтга келиб компьютер оламида кўплаб дастурлаш тиллари мавжуд. Улар Бейсик, Паскал, Си, C++, Delphi ва бошқа дастурлаш тилларидир. Паскал тили 1969 йил Н. Вирг томонидан яратилган бўлиб, кейинчалик американинг Borland фирмаси томонидан қайта ишланиб Turbo Pascal деб номланди. Turbo Pascal ни қайта ишлаш натижасида объектли дастурлаш йўлга қўйилди ва у Object Pascal деб атала бошланди. Ҳисоблаш техникаси ва технологиясининг ривожланиши натижасида Borland фирмаси томонидан янги Delphi дастурлаш тили яратилди.

Delphi дастурлаш тили Windows учун мўлжалланган бўлиб, унинг биринчи версияси Windows 3.1 операцион система қобиғида ишлаган. Windows 95 операцион система яратилганидан сўнг, 16-разрядли Delphi 2, кейинроқ 32-разрядли Delphi 3 версияси яратилди. Windows 98 операцион системаси учун Delphi нинг тўртинчи версияси ва ҳозирги кунда Delphi 5, Delphi 6, Delphi 7 ва Delphi 8 лар пайдо бўлди.

Delphi дастурлаш тили – бу дастурларни қайта ишлаш мухити бўлиб, Windows операцион системасида ишлайди. Унда объектли дастурлаш тили бўлган Object Pascal мужассамлашган.

Delphi визуал проектлар, турли ҳолат процедураларини қайта ишлаш ва дастурларни қайта ишлашда вақтдан ютиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

DELPHI дастурий востаси-бу Windows учун мўлжалланган дастурлаш мухити бўлиб, 1995 йилда BORLAND компанияси гуруҳи дастур тузувчилари Чак (Chuck) ва Денни (Danny) томонидан яратилган.

Бу тил ўзининг кенг қамровли имкониятларига эгаллиги билан бирга, бошқа дастурлаш тилларидан ўзининг баъзи бир хусусиятлари билан ажралиб туради.

Borland Delphi нинг пайдо бўлиши дастурлашни ривожлантириш тарихида ёрқин кўриниш бўлди. Delphi нинг дунёга келишига қуйидагилар сабаб бўлди;

- Windows учун дастулаш ва компоненталар технологияси.
- Масалаларни ечиш учун объектга йўналтирилган усул.
- Компоненталар технологиясига асосланган иловаларни тез яратишнинг визуал мухитлари.
- Интерпритациядан эмас, компиляциядан фойдаланиш. Бу шундан иборатки, интерпретатор билан ишлашга қараганда компилятор билан ишлаш тезлиги ўн мартага устунликка эга бўлади.
- Универсал усуллар ёрдамида маълумотлар базаси билан ишлаш имкониятларининг мавжудлиги.

Borland Delphi юкорида баён этилган тенденцияларни жорий этиш мақсадида яратилган. Аммо, унинг энг асосий элементи Паскаль тили бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда Delphi тилининг бир неча хил вариантлари мавжуд (Delphi 2, Delphi 3... , Delphi 10 ва ҳ.к.).

Delphi дастурлаш тили учун Паскаль дастурлаш тили асос қилиб олинган. Бу икки тилнинг қандай ўхшашлик ва фарқли томонлари бор?

Биламизки, Паскалда бирор катгароқ дастур, масалан амалий дастурлар мажмуини тузмокчи бўлсак, албатта биз модулли дастурлашдан фойдаланамиз. Яъни қўйилган масалани кичикроқ бўлақларга бўлиб оламиз ва шулар билан ишлаймиз. Натижани олиш учун эса, бу бўлақларни бирлаштирувчи битта асосий дастур қилинади. Айнан шу нарса Delphi дастурлаш тилининг асоси ҳисобланади. Агар биз Delphi да бирор форма ҳосил қилсак, у ҳолда Delphi бизга ўзи автоматик тарзда шу формага мос бўлган модулларни ва бу модулларни бошқарувчи дастурни тузиб беради. Бошқарувчи дастурни Delphi да, агар унга фойдаланувчи ном бермаса, Project1.dpr деб номлайди. Бунда .dpr файл кенгайтмаси. Автоматик тарзда ташкил қилинган модулга фойдаланувчи ном бермаса, у ҳолда Delphi уни Unit1.pas деб номлайди. Фойдаланувчи эса .pas кенгайтмасини сақлаган ҳолда хоҳлаган номини бериши мумкин.

Delphi ni ishga tuшириш

Delphi ni ikki usulda ishga tuшириш mumkin:

1. Пуск (Start) кнопкаси босилади, Программы сатри танланади ва Borland Delphi 4 сатридан Delphi 4 ойнасига кириб устига сичқончани чап тугмасини босиш билан ;
2. Ишчи столга ўрнатилган ёрликни устига сичқонча кўрсаткичини ўрнатиб, чап тугмасини икки марта босиш билан (Ёрликни фойдалувчини ўзи яратиш олиши керак).

Delphi da бошлангич амаллар ва проектлар

Delphi ni ishga tuширгандан кейин уни экран кўриниши ҳосил бўлиб, у унчалик оддий эмас. Экранда бешта ойна ҳосил бўлади:

- бош ойна-Delphi Project 1;
- форма ойнаси -Form1,
- объект хоссаларини тахрирлаш ойнаси- Object Inspector;
- объектлар руйхатини кўриш ойнаси – Object tree View;
- дастур кодларини тахрирлаш ойнаси– Unit1.pas

Бош ойна экраннинг юқори қисмида жойлашган бўлиб, унинг биринчи қаторида сарлавха, яъни проектнинг номи жойлашган. Иккинчи қаторда буйруқлар менюси горизонтал кўринишда жойлашган. Кейинги қаторнинг чап тарафида ускуналар панели ва ўнг тарафида компоненталар палитраси жойлашган.

Object Inspector ойнаси ёрдамида объектлар хусусиятларини ўзгартириш mumkin: формалар, буйруқ тугмалари, киритиш майдонлари ва ҳоказоларни. Масалан, Width ва Height хоссалари форма ўлчамини, Top ва Left эса форманинг экрандаги холати, Caption-сарлавха матнини аниқлайди. Delphi da дастурлаш иккита ўзаро таъсир этувчи бир бири билан боғлиқ жараён асосида ташкил қилинади:

-дастурни визуал лойихалаш жараёни;

-дастур кодларини киритиш жараёни.

Delphi da дастурлаш форма ойнасини ташкил этишдан бошланади. Оддий дастур иловасини яратиш кетма-кет File-New-Application буйруғини бериш билан бошланади.

Тузилган дастурни ЭХМ хотирасида сақлаш учун асосий менюнинг File бандидан фойдаланилади. Дастурни компиляция қилиш учун асосий менюнинг RUN бандидан фойдаланилади. Агар дастурда хатоликлар бўлса, компиляция қилиш жараёнида бу хатоликлар кўрсатиб борилади. Агар хатолик бўлмаса, дастур ишга тушади.

Delphi дастурлаш тилини ишга туширилганда экранда қуйидаги муҳит ҳосил бўлади:

можете увидеть на экране картинку, подобную представленной на рис. 1.1.




Рис.1.1.

1- главное окно; 2 – основное меню; 3 – пиктограммы основного меню;

4 - окно инспектора объектов; 5 – окно текста программы;


Главное окно всегда присутствует на экране и предназначено

Меню сатрининг кўриниши



Delphi асосий меню бандлари вазифалари Microsoft office стандарт дастурларининг меню бандлари вазифаларидан деярли фарқланмайди ва улардан фойдаланиш тартиби ҳам худди шундай сакланади.

Асбоблар панели ва компоненталар рўйхати




Объектлар дарахти



Объектлар инспектори



Дастур формаси



Объектлар инспекторидан фойдаланиш

Windows учун тузилган программанинг ички тузилиши консоль программаларнинг ички тузилишидан фаркланади. Дастур бажарилишида калит сўзлар бўлган `begin` ва `end` орасига олинган операторларни `windows` бошқача шаклда бошқаради, яни уларни ҳодиса деб қарайди. Ҳар бир ҳодисанинг ўзига мос хоссалари мавжуд. Дастурлашда бу хоссалардан керагини танлаб ишлатилади. Танлаш объектлар инспекторидан бажарилади. Объектлар инспектори икки қисмдан иборат `Properties` яни ходисалар ва `Events` хоссалар. Delphi нинг характерли томони шундан иборатки, агар биз бирор компонентадан фойдалансак, объектлар инспектори унга мос ходисаларни ажратиб кўрсатиб

туради. Масалан биз бирор янги форма ҳосил қилган бўлсак, объектлар инспекторида сартionда Form1 ёзуви туради. Агар биз хоҳласак Form1нинг ўрнига янги ўзимизнинг программага мос номни беришимиз мумкин. Ҳар бир компонентга объектлар инспекторида унга тегишли ходиса ва шу ходисага мос хоссалар бўлади.

Delphi дастурлаш тилининг яна бир характерли томони шундан иборатки, агар биз дастурда бирор тугмага қандайдир вазифани юкламоқчи бўлсак, шу тугманинг устида сичқончани икки марта чертилса, шу тугмага мос келувчи процедуранинг ичига автоматик равишда киритиб қўяди. Бундан ташқари дастур тузиш жараёнида формадан модулнинг ичига ва модулдан формага ўтишга эҳтиёж бўлади, бунинг учун асбоблар панелидан Toggle Form-Unit тугмаси танланади ёки F12 тугмасини босиш билан амалга оширилади.

Формалар билан ишлаш

Delphiда тузиладиган дастурлар бирор форма асосида тузилади. Delphi да ҳар бир янги ҳосил қилинган формага унга мос бўлган модул автоматик ташкил қилиниб турилади. Бу эса дастурчи учун жуда қулай имконият, яни унинг ишини тезлаштиради.

Бу форманинг шаклини танлаш, унда компоненталарни жойлаштириш фойдаланувчи ихтиёрида бўлади. Формага бирор компонентани қўймоқчи бўлсак, шу компонентанинг устида сичқончанинг чап тугмаси икки марта босилади. Бу компонента форманинг ўртасига жойлашади. Биз уни хоҳлаган жойга суриб қўчиришимиз мумкин.

DELPHI да кодлар муҳити

Delphi кодлар муҳити автоматик тарзда Object Pascal дастурлаш тилидаги калит сўзларни (begin, end, procedure, const, var) қалин ҳарфлар билан белгилайди.

Маълумот ёзилган сатр (дастур изохи) ни белгилаш учун фигурали кавслардан фойдаланилади. Кавс очилса ундан кейин турган кодлар қўриниши ўзгаради. Керакли жойда кавс беркитилса қўриниши ўзгарган кодлар фақат кавс оралиғидагина қолади ва дастур ишлаш жараёнида шу оралик ишлатилмайди.

Delphi кодлар муҳитининг имкониятларидан яна бири шуки, у ерга бирор функцияни масалан: «StrToFloat» ни ёзиб, кавс очсак сатр остида кичик ойна ҳосил бўлади. Бу ойнада кавс ичидаги ўзгарувчи типи кўрсатилган бўлади, ёки бирор операторни масалан: Label1 ни ёзиб нуқта қўйилса сатр остида нуқтадан кейинги ёзиш мумкин бўлган операторлар рўйхати чиқади ва улاردан кераклигини танлаб қўйишимиз мумкин.

Кодлар ойнасида бирор оператор устига курсорни олиб бориб Ctrl+F1 тугмалари тенг босилса шу оператор ҳақидаги ёрдам ойнаси ҳосил бўлади. У ердан керакли ахборотни олиш мумкин. Агар курсорни бўш жойга олиб келиб F1 босилса умумий ёрдам файллари чиқади.

Кодлар ойнасида тахрирлаш оддий матн муҳаррирлари каби амалга оширилади. Яъни белгиланган (блокка олинган) код нусхасини олиш, қирқиб олиш ва керакли жойга қўйиш мумкин. Ундан ташқари кодлар ичидан керакли белгини излаб топиш ва алмаштириш, Delete тугмаси ёрдамида курсордан кейин турган белгини, Backspace ёрдамида эса курсордан олдин турган белги ёки белгиларни ўчириш мумкин. Ctrl+→, Ctrl+← клавишлари ёрдамида бир сўз кейинга ва олдинга, PgDn, PgUp клавишлари ёрдамида эса бир экран пастга ва юқорига ўтилади.

Проект

Delphi проекти – бу компилятор томонидан, дастур яратгандан сўнг, яратилган дастурга тегишли бўлган файллар тўпламидир. Проект, бир ёки бир нечта проект файлларини ва модулларни ўз ичига олади (Unit модули).

Проект файли *.dpr кенгайтмасига эга бўлиб, проектнинг умумий ҳолатини ўзида сақлайди. Проект модули файли эса *.pas кенгайтмали бўлиб, ишчи файлини яратишда компиляторга керак бўлувчи процедура, функция матнлари, типларни тавсифи ва бошқа маълумотларни ўзида сақлайди.

Модуль имеет следующую структуру:

```
unit Unit1;  
interface
```

```

// Раздел объявлений
implementation
// Раздел реализации
begin
// Раздел инициализации
end.

```

Delphi мухити.

Delphi дастурлаш тилини ишга туширганимизда унинг ишчи экран кўринишини кўрамиз. Дастур мухитидан буйруқлар менюси, буйруқ тугмачалари, компонентлар палитраси, объект инспектор, форма ва уни ортида тахрирлагич ойнаклари жой олган бўлиб деярли экранни тўлдириб туради.

Буйруқ менюси.

Delphi нинг меню сатридан қуйидагилар жой олган.

File, Edit, Search, View, Project, Run, Component, Database, Tools, Help.

Буларнинг барчасида ост менюлар мавжуддир. File нинг ост менюсида бир неча буйруқлар бўлиб улар ёрдамида янги проект очиш, янги форма очиш ва уларни сақлаш мумкин шу билан биргаликда очилган проектни ёпиш, Delphi дан чиқиш ва шуларга ўхшаш файллар билан ишлаш имкониятлари бор.

Edit менюси ост менюларидан фойдаланиб кодларни тахрирлаш, умуман кодлар устида турли хил амалларни бажариш мумкин.

View ёрдамида эса Delphi ишчи мухити кўринишининг ўзгариши мумкин.

Run менюси ёрдамида дастурни ишга туширишни турли йўллари амалга оширилади.

Database менюсида маълумот баъзасини ташкил қилиш мумкин.

Help менюси эса Delphi ва унда дастурлаш ҳақидаги барча маълумотларни олиш имкониятини яратади.

Буйруқлар тугмачаси

Буйруқлар тугмачаси ёрдамида янги формалар яратиш, мавжуд файлни очиш, Дастурни сақлаш, янги форма яратиш ва шунга ўхшаш амаллар тез бажарилади.

Компонентлар палитраси

Бу ерда стандарт ёки дастурчилар томонидан яратилган компонентлар мавжуд бўлиб, улардан тез ва сифатли дастурлар яратишда фойдаланилади.

Object Inspector ойнаси

Object Inspector ойнаси қуйидаги объектларнинг ҳолатини ўзгартиради: формалар, буйруқлар тугмачаси, кодлар майдони ва бошқалар.

Дастур формаси

Дастур тузишда ишлатиладиган барча компонентлар дастур формасига жойланади ва ана шу ердан уларга ўзгартириш киритилиши мумкин. Дастур ишга туширилгандан сўнг, барча амаллар дастур формаси ёрдамида бажарилади.

Дастур коди

Дастур коди форма орқасига яширинган бўлиб, у ерга дастур матнлари киритилади. У ойнага F12 ёки Ctrl+F12 тугмалари ёрдамида ўтиш мумкин. Delphi дастурлаш мухитида ишлаш жараёнида қуйидаги кенгайтмали файллар ишлатилади:

-лойиха файли, кенгайтмаси .dpr;

-паскал модули файли, кенгайтмаси .Pas;

-компонентлар жойлашган файл, кенгайтмаси .dcu;

-формалар жойлашган файл, кенгайтмаси .dfm;

-маълумотлар базаси файли, кенгайтмаси.dbf .

Компиляция этапида тайёрланган дастур матни Object Pascal тилига ўтказилади. Компановка босқичида эса керакли қўшимча ёрдамчи дастурлар ва остдастурлар унга бирлаштирилади. F9

тугмасини босиш билан Save Unit As диалог ойнаси пайдо бўлади ва у фойдаланувчидан Unit.pas модули учун файл номини ва у жойлашадиган папка номини кўрсатишингизни сўрайди. Агар жой кўрсатилмаса Delphi тизими автоматик равишда дастурни Bin папкасига жойлаштиради. Дастур компиляция қилиниш пайтида Delphi системаси .Pas; .dfm; .dcu кенгайтмали модуллар тузади. .Pas кенгайтмали файл кодларни ёзиш ойнасига киритилган дастур матнини, .dfm форма ойнаси ташкил этувчиларини, .dcu кенгайтмали файл эса .Pas ва .dfm кенгайтмали файлларнинг биргаликдаги машина кодига ўтказилган вариантини сақлайди. .dcu кенгайтмали файл компилятор томонидан ташкил қилинади ва ягона ишчи (бажарилувчи) .exe кенгайтмали файл ташкил қилишга база яратади.

Delphi компоненталари.

Биз куйида Delphi дастурлаш тилининг компоненталар библиотекасида мавжуд бўлган ҳамда кўп фойдалананиладиган компоненталар билан танишиб чиқамиз. Ушбу компоненталар Delphi тилини ўрганиш вақтида гурухларга ажратиб ўргатилган. Маълум бир компоненталар тўпламини компоненталар палитраси (палитра компонентов) деб номлаймиз.

Standard бўлими



MainMenu – асосий менюни ҳосил қилиш.



PopupMenu – асосий менюга аналог ҳолдаги меню.



Label – Текстни экранга чиқариш.



Edit – универсал киритиш элементи.



Memo – Матнларни купрок киритиш мумкин. 32 кб (10-20 варок) маълумотни узида сақлайди.



Button – кнопка урнатиш.



CheckBox – танлаш.



RadioButton – фақат биттасини танлаш.



ListBox – бир неча катор сузларни курсатиш. Улардан бирортасини танлаш мумкин.



ComboBox – Бунда ListBox дан фаркли уларок, яширинган ҳолатдаги сузлардан бирортасини танлаш мумкин.



ScrollBar – прокрутка (югурдак).



GroupBox – Гурухлаб олиш учун махсус жой.



RadioGroup – GroupBox га аналог холда RadioButton объектларини гурухлайди.



Panel – Бошқарувчи элемент. Янгисини урнатиб унинг устига яна янги элементларни куйиш мумкин.

Additional бўлими



BitBtn – Кнопка ўрнатиш. Button га ўхшаш.



SpeedBotton – Сичконча ёрдамида босиладиган кичкина кнопкача.



MaskEdit – Ниқобли киритиш элементи. Edit га аналог. Хусусияти аниқланади (масалан сана, валюта ва хоказо).



StringGrid – Текстли маълумотларни жадвал кўринишида чиқариш.



DrawGrid – Ихтиёрий турдаги маълумотларни жадвал кўринишида чиқариш.



Image - *.jpg, *.jpeg, *.bmp, *.ico, *.emf, *.wmf типли график тасвирларни чиқариш.



Shape – оддий график объектларни чиқариш (айлана, квадрат ва х.к.).



Bevel – Хошияларни безовчи элемент.



ScrollBar – янги прокруткали (югурдакли) майдон ҳосил қилиш.



CheckBox – бир нечасини танлаш имконияти. CheckBox нинг бир нечтаси битта варақда бўлади.



Splitter – Формаларни бўлувчи ёки ажратувчи элемент.



StaticText – маълумотни махсус формада чиқариш.



ControlBar - toolbar компонентларини бошқариш.



Chart – махсус диаграмма графикларини ўрнатиш.



TabControl – қисмларга бўлинган ёзув дафттарини яратиш.



PageControl – кўп варақли диалог панели.



ImageList – тасвирларни сақловчи махсус жой.



RichEdit – матнларни киритувчи ва тахрирлочи ойна. Методдан имконияти кенг.



TrackBar – махсус бошқариш элементи.



ProgressBar – жараёни кузатиш элементи.



UpDown – юқорига ва қуйига бошқариш элементи.

-  HotKey – актив (босилган) тугмачани номларини кўрсатувчи элемент.
-  Animate – анимация (харакат) қилувчи объектлар.
-  DateTimePicker – Йил, ой ва кун саналари билан ишлаш.
-  MonthCalendar – кунлар билан ишловчи алоҳида ой календари.
-  TreeView – маълумотларни иерархик, яъни дарахт кўринишида кўрсатувчи ойна.
-  TListView - маълумотларни тўлиқ қаторда кўрсатувчи ойна.
-  HeaderControl – объектлар учун бошқарувчи контейнер
-  StatusBar - ҳолат сатри (қуйи ҳошия) ни ўрнатиш.
-  ToolBar – Тугмачаларни бошқариш панели (қуроллар панели). У орқали тугмачаларларни ўлчами ва кўринишини ўзгартириш мумкин.
-  CoolBar - CoolBand объектовлари учун контейнер.
-  PageScroller – кичкина бошқариш панели. Toolbar га ўхшаш.

System бўлими

-  Timer – вақт билан ишлаш.
-  PaintBox – тасвирларни чизиш соҳаси.
-  MediaPlayer – овоз ва видео файлларини бошқариш.
-  OleContainer - OLE объектларини қўйиш ва боғлаш.

Data Access бўлими

-  DataSource – маълумотларни ёки компоненталарни бир-бири билан боғлаш.
-  Table – маълумотлар омборини (файлни) боғлаш.
-  Query – маълумотлар омборидаги ёзувларни бошқариш.
-  StoredProc – сервердан маълумотлар омборини юклаш.
-  Database – ягона маълумотлар омборини боғлаш.

Data Controls бўлими



DBGrid – маълумотлар омборидаги ёзувларни жадвал кўринишида чиқариш.



DBNavigator – маълумотлар омборидаги ёзувларни таҳрирловчи компонент. Унда янги сўз кўшиш, ўзгартириш, ўчириш ва х.к. ишларни қилиш мумкин.



DBText – маълумотлар омборидаги матнли майдон маълумотларини чиқариш.



DBEdit – маълумотлар омборидаги бирор майдонни таҳрирлаш.



DBMemo – маълумотлар омборидаги мемо типдаги маълумотларни таҳрирлаш.



DBImage – маълумотлар омборида жойланган тасвирларни кўрсатиш.



DBListBox – маълумотлар омборидаги маълумотларни листга чиқариш.



DBComboBox маълумотларни комбинацияли танлаш.



DBRichEdit – маълумотларни таҳрирлашнинг мемо га нисбатан кенгрок имконияти.

Dialogs бўлими



OpenDialog – файлларни очиш.



SaveDialog – файлларни сақлаш.



OpenPictureDialog – расмли файлларни очиш .



SavePictureDialog - расмли файлларни сақлаш.



FontDialog – шрифтларни танлаш.



ColorDialog – рангларни танлаш.



PrintDialog – принтерга чоп этиш.



PrinterSetupDialog – принтер хусусиятларини ўзгартириш.



FindDialog – файлдан маълумотларни излаш.

Win 3.1 бўлими



FileListBox – ажратилган каталогдаги файллар рўйхатини чиқариш.

 DirectoryListBox – актив дискдаги каталоглар рўйхати.

 DriveComboBox – дискларни активлаштириш ва танлаш элементи.

 FilterComboBox – файлларни тури(кенгайтмаси) бўйича танлаш.

Samples бўлими

 ColorGrid – ранг турини танлаш ёки активлаштириш .

 SpinButton – юқорига ёки пастага бошқариш.

 SpinEdit – сонларни автоматик ўзгартириш.

 DirectoryOutline – каталоглар рўйхати.

 Calendar – календар.

ActiveX бўлими

 F1Book – формулалар ёзиш учун жадвал. Excel га ўхшаш.

 VtChart – диаграмма.

 Graph – график диаграмма ва чизмалар.

Label, Edit, Мемо матн компонентлари ва Button тугмачаси.

Label белгиси. Бу белги тушунтиришлар, номлар, мавзулар ва бошқа матнли маълумотларни экранга жойлаштириш учун ишлатилади. Белги учун Caption асосий хоссалардан бири бўлиб, унда экранга чиқариладиган матн жойлашади. Матнни экранга жойлаш учун Delphi нинг Standart палитрасидан «A» пиктограммаси белгиланиб форма устига келинади ва сичқонча тугмасини босган ҳолда матнга жойлаштирилиши лозим бўлган жой ажратилади. Натижада label1 матн майдони хосил қилинади ва Caption хоссасига кирилиб матн терилади. Матнга ишлов бериш учун (масалан, катталаштириш ёки кичиклаштириш; курсив ёки қалин қилиш ва бошқалар) керакли хосса танланиб улар ўзгартирилади. Кирилган матнни катталаштириш ёки кичиклаштириш учун олдин матн майдони ажратилиб, кейин Font хоссасига кирилиди ва мулоқот дарчасидан shrift, унинг ўлчами ва ранги танланиб ok тугмаси босилади.

Label компонентаси нафақат маълумотларни экранга жойлаштириш учун хизмат қилади, балки дастур натижаларини чиқаришда ҳам ишлатиш мумкин. Бунинг учун дастурда Label 5.caption:=’дастур натижаси’; буйруғи берилиши керак.
Мисол: Label 5.caption:=’ечим=’+s; бу ерда s:string ўзгарувчиси.

Edit киритиш қатори.

Edit киритиш қатори матнни бир қатордан киритиш ва уни тахрирлаш учун ишлатилади. Матн киритиш қаторини экранга жойлаш учун Delphi нинг Standart палитрасидан «ab» пиктограммаси белгиланиб, форма устига келинади ва сичқонча тугмасини босган ҳолда матн киритилиши лозим бўлган жой ажратилади. Натижада Edit 1 матн киритиш майдони ҳосил қилинади. Матнни киритиш дастур ишчи ҳолатга ўтганда бажарилади. Матн қаторига киритилган маълумот фақат матн, яъни String (қатор) бўлиб ҳисобланади. Edit киритиш қаторига киритилган маълумот дастурда ўқиб ва уни рақамга ўтказиш учун кўп ҳолларда val функциясидан фойдаланилади. Бу функция Turbo Pascal да қуйидагича ёзилади.

val(edit 1.text,a,cod)- бу ерда a:real;- ўзгарувчиси бўлиб, edit 1.text майдонидаги маълумотни рақам қилиб ўзлаштиради. cod: integer; деб эълон қилинади.

Мемо матн чиқариш қатори.

Мемо матнларни бир неча қатор килиб чиқариш учун ишлатилади. Мемо матн чиқариш қаторини экранга жойлаш учун Delphi нинг Standart палитрасидан «ab» пиктограммаси ёнидаги Мемо тугмаси белгиланиб форма устига келинади ва сичқонча тугмасини босган ҳолда матн чиқарилиши лозим бўлган жой ажратилади. Натижада Мемо 1 матн чиқариш майдони ҳосил қилинади. Бу чиқариш майдони дастурда натижаларни чиқаришда қўл келади. Натижани чиқаришда у дастур ичида қуйидагича ишлатилади.

Memo 1.lines.add('ечим=' + s);

Мемо майдонини тозалаш эса натижани чиқаришдан олдин модулда Memo 1.clear; буйруғини бериш билан амалга оширилади.



Мемо компонентаси содда матн муҳарири бўлиб, у кўп сатрли маълумотларни киритиш ва чиқариш учун ишлатилади.

Бу компоненталар мантлар устида амаллар бажариш учун ишлатилади.

Password Char хоссаси. Ушбу хосса матнни киритишдан химоя учун фойдаланилади. Парол киритиш керак пайтида фойдаланилади. Ушбу хоссадан фойдаланувчи махфийликнинг қўшимча даражасини таъминлаш учун ва фойдаланувчи исмини яшириш учун фойдаланиш мумкин.

Read Only хоссаси. Ушбу хосса объектнинг қийматини тахрирлаш имкониятини бошқаради. Фойдаланувчи унинг қийматини **False** ёки **True** қилиб қўйиши мумкин. Агарда хоссанинг қиймати **True** бўлса фойдаланувчи ушбу объектдан фойдаланишга, яъни ихтиёрий матнни белгилаш ва нухасини буферга олиш учун бирмунча рухсат беради.

Max Length хоссаси. Ушбу хоссадан учала объектга киритиладиган символларни чеклаш учун фойдаланилади.

Mask Edit компонентасининг умумий хоссаларидан ташқари қўшимча хоссаларга ҳам эгадир. Ушбу хоссадан бу объект орқали клавиатурадан киритиладиган символларни филтерлаш учун фойдаланилади. Маска қандай символ қабул қилиниши ёки қилинмаслигини аниқлайди.



-List Box компонентаси.

Ушбу компонента фойдаланувчига танлаш учун элементлар рўйхатини кўрсатади. Айрим пайти фойдаланувчи ўз дастурида жуда кўп элементларнинг рўйхатини кўрсатиш лозим бўлиб қолади. Бундай ҳолатлар учун рўйхатлар дарчасида стандарт кўринишдаги сургич пайдо бўлади ва ёрдам беради. Рўйхатлар панелига элементларни қўшиш ёки олиб ташлаш мумкин. Ушбу компонентанинг ички кўринишини ўзгартириш учун мўлжалланган турли хил хоссалари мавжуд.

Рўйхатлар дарчасини формада жойлаш учун кўп жой зарур бўлади. Комбинациялашган панел компонентаси **Combo Box** ни формада жойни тежаш учун фойдаланиш қулайроқдир.




-Combo Box компонентаси.

Combo Box компонентаси **Combination Boxes** сўзидан қисқартирилган бўлиб **List Box** компонентасига ўхшашдир. Лекин комбинациялашган дарча кам жойни талаб қилади ва бир вақтнинг ўзида битта элементни кўрсатади.

Демак **List Box** компонентаси билан **Combo Box** компонентасининг фарқи бир вақтнинг ўзида қанча элемент кўрсата олишда экан. Жойдан тежаш мақсадида **Combo Box** дан фойдаланиш қулайроқ бўлса, кўпроқ элементни кўрсатиш учун **List Box** дан фойдаланиш қулайдир.

Button ва Check Box компоненталари.



Button (тугма) ва **Check Box** компоненталарининг кўпгина Windows муҳитида учратиш мумкин.

Button (тугма) компонентаси.

Button тугмачаси босилиши натижасида киритилиши лозим бўлган жараёнлар бажарилишга туширилади. Button тугмачасини экранга жойлаш учун Delphi нинг Standart палитрасидан «ok» пиктограммаси белгиланиб форма устига келинади ва сичқонча тугмачасини босган ҳолда тугмача қўйилиши лозим бўлган жой ажратилади.

Натижада Button 1 тугмачаси ҳосил қилинади. Тугмача номини ўзгартириш Caption хоссасига кирилиб ўзгартирилади. Дастурдаги ҳисоблаш жараёнлари, киритиш ва чиқариш операциялари ҳосил қилинган тугмачани икки марта тез тез босиш билан “события” ни қайта ишлаш дарчасига ўтилиб, у ердан модул ичига керакли операторларни ёзиш билан амалга оширилади.

Бу компонента одатда диалог дарчаларида фойдаланилади. Кўпгина Windows дастурларида таниш былган **Ok** ва **Cancel** жуфтлигини қыргансиз. Аммо сизга тугма компонентасидан фойдаланиш учун диалог дарчасини яратиш шарт эмас. Тугма компонентасини сиз дастурингизнинг исталган жойида жойлаштиришингиз мумкин.



-BitBtn компонентаси.


График тугма компонентаси оддий тугма компонентасига жуда ҳам ўхшашдир. **Delphi** тугмаларнинг стандарт мажмуасини таклиф қилади. Буларни дастурда яратиш учун танлаб олиш мумкин.

Check Box (белгилаш тугмаси) компонентаси ушбу тугма одатда дастурда «**Ха**» ёки «**Йўқ**» жавобини олиш керак бўлган вазиятларда фойдаланилади.


Гурухлашган компоненталар

Delphi дастурлаш тилида компоненталарни гурухлаштириб фойдаланиш мумкин.

Одатда бир-бирига алоқадор компоненталар битта жойда гурухлаштирилади.



-Croup Boxes гурухлашган рамка компонентаси. Гурухлашган рамка фақатгина бир тоифадаги компоненталарни ташкил топган бўлиши шарт эмас.



Scroll Bors компонентаси. Ушбу компонента турли ойналарни экранда кўринмай турган қисмларини кўриш ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

Delphi: дастурлаш тилида **Scroll Bors** жуда яхши ташкил қилинган ва тули хил хоссалари мавжуд.

Position жойлашиш хассаси оний моментда қаерда жойлашишини белгилаб беради. Бу хоссининг қиймати фақат бутун сонларни қабул қилади.

График компоненталар

График компоненталар формада фигура ва объектларни кўрсатиш ҳамда маълумотларни акслантириш учун фойдаланилади. Бу компоненталарни баъзилари жуда ҳам оддий баъзилари жуда ҳам мураккаб. Уларни хар бири аниқ вазифа учун мўлжалланган.



Image компонентаси

Бу компонентани формада расмларни жойлаштириш учун фойдаланилади. Расмни номи эса **Picture** хоссасида келтирилади. Бу расмларнинг кенгайтмаси **.BMP, ICO, WMF** бўлиши мумкин. Агар фойдаланувчи **Image** компонентасининг ўлчамини ўзгартиришни хохлаسا **Auto Size** хоссасига **True** қиймати бериши лозим. **Stretch** хоссасига **True** берилган бўлса, белгиланган соҳага жойлаштирилади.



Paint Box компонентаси. (Чизиш дарчаси)


Ушбу компонента форманинг чекланган қисмида чизиш имконини беради. Чизиш дарчаси ўзининг чегараларини кўрсата олмайди. Ушбу қийинчиликни йўқотиш учун унинг ичига гурухланган панел **Group Boxes** қўйиш ва уни ўлчамини **Paint Box** компонента ўлчами билан бир хил қилиш лозим. Ана шундагина фойдаланувчига чизиш учун рамка пайдо бўлади.



Shapes (фигуралар) компонентаси

Фигуралар компонентаси ўз табиати билан жуда ҳам оддий. Фойдаланувчи содда геометрик фигуралардан дастурни бойитишда фойдаланишлари мумкин.

Фигураларнинг ва контурларнинг ранги мос равишда **Pen** ва **Brush** хоссалари ёрдамида ўрнатилади.



Outlines (схемалар) компонентаси

Схемалар иехархик тарзда ташкил қилинган маълумотларни акслантириш учун фойдаланилади. Мисол учун каталоглар дарахти.

Схема **Lines** ва **Items** хоссалари орқали мурожат қилиш мумкин бўлган қаторлардан ташкил топади.

Outlines Tile (схемали) хоссаси исталган конфигурациясини олиш учун фойдаланилади.




Color Grids компонентаси (ранглар тури)

Бу компонента чизиш ва фон рангларини бошқариш учун интерфейсни ифодалайди. Бу компонента ёрдамида чизиш ва фон рангини танлашда фойдаланилади.

Foreground (чизиш рангли) ва **Background** (фон ранги) хоссаларда белгиланган рангдан ташкил топган бўлади.

Файл ва каталогга мурожат қилиш компоненталари

Ушбу компоненталар файл ва каталоглар билан турли амалларни бажаришда фойдаланилади.



File List Box (файллар рўйхати панели) компонент файллар рўйхати панели компонентаси каталогга мурожат интерфейсини ифодалайди.

Mask хоссаси фильтр ёки маскани ўрнатиш учун фойдаланилади.

Фойдаланувчи томонидан белгиланган файл номи **File Name** хоссаси орқали мурожат қилиши мумкин.

Delphi нинг консол иловасини яратиш

*Delphi*да консолли иловаларни турли усулларда яратиш мумкин. Улардан энг осон усули куйидагича.

1. Delphi мухити ишга туширилади.

Пуск ⇒ Программы ⇒ Borland Delphi

2. Бош менюдан File пункти очилиб, у ердан New, кейин эса Other буйруқлари берилади.
File ⇒ New ⇒ Other

3. Форма ва лойихаларни сақлаш учун очилган махсус ойнадан “Console Application” пиктограммаси танланади ва ok тугмаси босилади.

4. Натижада экранда begin ва end ичига олинган лойиха ойнаси (.dpr кенгайтмали ном билан) очилади.

{TODO –oUser-cConsole Main:Insert code here} изохи ўрнига файлнинг дастур матни киритилади. Тузилган дастурни ишга туширишдан олдин уни сақлаш керак бўлади. Уни сақлаш учун file ⇒ Save All буйругини бериш лозим. Хар бир лойиха алоҳида янги папкада сақланиши тавсия этилади. Лойиха файлини сақлашда алоҳида кўрсатилмаган ҳолатида ProjectN.dpr номли файл номини тавсия этади. Лойихани сақлаб бўлгандан кейин уни бажаришга ўтилади.

Дастур матни 1 да киритилган килограммни неча фунт эканлигини кўрсатувчи дастур кўрсатилган. Унда бирор буюмнинг оғирлиги фойдаланувчи томонидан килограммда киритилади. Натижа эса компьютер томонидан фунтда экранга чоп этилади.

```
{$APPTYPE CONSOLE}
```

```
Program Project2;
```

```
Var
```

```
k,f:Real;
```

```
Begin
```

```
Writeln('Buyum ogirlugini kilogrammda kiriting');
```

```
Writeln('va <Enter> tugmasini bosing');
```

```
Write('→');
```

```
Readln(k);
```

```
f:=k*0.4095;
```

```
Writeln(k:10:4,' kilogramm=', f:10:4,' funt');
```

```
Readln;
```

```
End.
```

Юқоридаги дастурда *{\$APPTYPE CONSOLE}* қатори мавжуд бўлиб, у изоҳ кўринишида ёзилган. Лекин у, дастурнинг консолли илова эканлигини билдиради. Бундай дастурни тузишда албатта *{\$APPTYPE CONSOLE}* қатори ёзилиши шарт. Дастурни ишга тушириш учун Run менюсидан Run буйруғи танланади ёки F9 клавиши босилади.

Танлаш тугмаларини ўрнатиш

RadioGroup гуруҳи танлаш тугмалари иловалар яратишда бир неча вариантлардан бирини танлаш учун ишлатилади. Бу компонента Standart компонентлар палитрасида жойлашган. Унинг асосий хоссаси items бўлиб, у тугмалар номлари руйхатини ўзида сақлайди. Тугмалар номлари руйхатини киритишдан олдин RadioGroup тугмаси учун формадан жой ажратилади ва кейин items хоссаси кўрсатилиб, ундан уч нухтали тугмача босилади, натижада stringlist Editor ойнаси очилади. Бу ойнадан танлаш тугмалари номларининг хар қайсиси янги қатордан киритилади ва кейин “ok” тугмаси босилади. Формага RadioGroup гуруҳли танлаш тугмаси жойлаштирилганда и RadioGroup 1 ном билан ёзилади. Бу номни бошқа мос номга алмаштириш Caption хоссасига кириб амалга оширилади.

CheckBox компонентаси руйхатдан бир нечтасини танлаш имконини беради. CheckBox компонентаси Additional палитрасида жойлашган. RadioGroup боғлиқ

переключателларни, CheckListBox эса боғлиқ бўлмаган переключателларни бирлаштиради. Бунда ёқувчи уч хил ҳолатда бўлиши мумкин:

- Ёқилган –тўғри белгиси;
- Ўчирилган–бўш белгиси;
- Нейтрал ҳолат –кўкиш рангда тўғри белгиси;

CheckListBox нинг асосий хоссалари:

AllowOryer учинчи нейтрал ҳолат вариантыни ишлатишни тақиқлайди.

Items танлаш тугмалари номлари рўйхатини сақлайди.

Listbox ва Combobox компонентлари

Listbox компоненти рўйхат ва массив кўринишидаги маълумотларни экранда акс эттиришда ишлатилади. Маълумотларни киритишда эса Edit компонентасидан фойдаланилади. Listbox компонентаси Standart компоненталар палитрасида жойлашган. Бу тугмачани босиб формадан рўйхат учун жой ажратилади ва хоссалари аниқланади. Унинг айрим хоссалари:

Items – рўйхат элементини беради.

Sorter- рўйхат элементларини алфавит бўйича автоматик равишда тартиблайди.

Clear –барча рўйхат элементларини ўчиради.

Combobox компоненти рўйхат ва массив кўринишидаги маълумотларни экранга киритиш учун ишлатилади. У Listbox ва Edit компоненталарининг биргаликдаги ишини бир ўзи бажаради. Ташқи кўринишидан бу компонент оддий Edit киритиш қаторини эслатади. Унинг ўнг қисмида пастга белгиси бўлиб, киритилаётган маълумотларни кўриб бориш мумкин. Бу компонента Standart компоненталар палитрасида жойлашган. Бу тугмачани босиб формадан рўйхат учун жой ажратилади ва кейин хоссалари аниқланади. Унинг айрим асосий хоссалари:

DropDownCount – рўйхатдаги экранга чиқадиган маълумотлар сонини аниқлайди. Бу хоссанинг бошланғич қиймати 8 га тенг бўлади. Агар экранга чиқариладиган маълумотлар сонини 10 га бўлсин десак, унда унинг қийматини 10 га ўзгартириш керак бўлади. Агар киритилган маълумотлар ундан ортиқ бўлса, у ҳолда пастга ва юқорига силжитиш тугмачаси автоматик равишда пайдо бўлади;

Style – рўйхатдаги маълумотнинг кўринишини тасвирлайди;

Text- рўйхатдаги киритилган маълумот матн эканини билдиради.

StringGrid жадвал компонентаси

StringGrid жадвал компонентаси икки ўлчовли маълумотларни, масалан, матрица элементларининг қийматини экранда жадвал кринишида тасвирлаш, улар қийматини киритиш ва таҳрирлаш учун ишлатилади. Жадвалнинг қатор ва устун номерлари нолдан бошланади. Жадвалнинг устун ва қаторлар сонини кераклича ўзгартириш мумкин. Бу унинг хоссаси ёрдамида аниқланади. Жадвалнинг шар бир кесишган устун ва сатри ячейка дейилиб, унга киритилган маълумот символ қатори қилиб аниқланади. Масалан, (3,5) ячейка тўртинчи устун ва олтинчи қаторда жойлашган.

StringGrid жадвал компонентасининг асосий хоссалари:

ColCount - жадвалдаги устунлар сонини аниқлайди;

RowCount - жадвалдаги сатрлар сонини аниқлайди;

FixedCols - фиксирланган устунлар сонини аниқлайди;

FixedRows - фиксирланган сатрлар сонини аниқлайди;

Options -жадвал ҳолатини аниқлайди (аниқлаш унинг параметрларига асосан бажарилади, масалан Goediting параметр true қийматига эга бўлса ячейкани таҳрирлаш мумкин, акс ҳолда мумкин эмас. Бу параметрларни аниқлаш учун Options хоссасига ўтиб, у икки марта тез-тез босилади);

ColWidths - жадвалдаги ҳар бир устун кенлигини аниқлайди;

DefaultColWidth - жадвалнинг бошланғич устунлар кенлигини аниқлайди;

DefaultRowHeight - жадвал сатрининг бошланғич баландлигини аниқлайди;

FixedColor - фиксирланган ячейка рангини аниқлайди;

RowHeights - жадвал сатри баландлигини аниқлайди;

Cells – символ қаторли икки ўлчамли массивни аниқлайди.

Символлар ва қаторлар

Белгили тип *Char* хизматчи сўзи билан эълон қилиниб, бу типнинг қийматлари 1 байт жой эгаллайди. Тилнинг барча белгилари бу типнинг қийматлар соҳасига тегишлидир. Белгили қийматни уни қўштирноқ ичига олиб ёки # белгисидан кейин керакли белгининг ASCII кодиди ёзиб аниқлаш мумкин. Мисол: "А" , ёки # 60.

Қатор - бу белгиларнинг оддий кетма-кетлигидир: 'Ab21#9!cd', 'dasturchi Saidkarim Gulomov'. Қатор бўш ёки битта белгили бўлиши ҳам мумкин. Қаторли ўзгарувчи узунлиги 255 гача бўлган белгили қийматларни қабул қилиши мумкин. Умуман олганда, ҳар бир қаторли ўзгарувчига хотирадан 256 байт жой ажратилади. Хотирани тежаш учун қаторнинг типини куйидагича кўрсатиш мақсадга мувофиқдир: *String*[N], N - қатордаги белгилар сони. Бу ҳолда белгили ўзгарувчи учун N байт жой ажратилади. Белгилар ва қаторлар устида бир қанча амаллар бажариш мумкин, яъни қатордан керакли бўлакни кесиб олиш, қаторларни бир-бирига қўшиш ва натижада янги қаторлар ҳосил қилиш. Сатрли ва символли белгилар устида турли амаллар бажариш мумкин.

Ёзилиши	Вазифаси
Function Length(S):Integer	S сатрли ўзгарувчидаги белгилар сонини аниқлайди
Function Copy(S; Index, Count: Integer): string;	S сатрли ўзгарувчидаги Index - белги Count та белгидан нусха олиш
Function Concat(s1 [, s2,..., sn]: string): string;	S1 дан sn тагача бўлган сатрли ўзгарувчиларни битта сатрли ўзгарувчига бирлаштириш
function Pos(Substr: string; S: string): Integer;	Substr сатри S сатридан изланади. Агарда изланган сатр топилмаса натижа нолга тенг бўлади
procedure Delete(var S: string; Index, Count:Integer);	S сатрдаги Index – белгидан Count та белгини ўчириб ташлайди
procedure Insert(Source: string; var S: string; Index: Integer);	S сатрига Index – белгидан бошлаб Source сатрини жойлаштиради

Массивлар. Массивлар устида амаллар.

Программалашда энг кўп қўлланиладиган программа объектларининг бири бўлган массивлар билан танишиб чиқамиз. Массив - бу бир хил типли, чекли қийматларнинг тартибланган тўпламидир. Массивларга мисол сифатида математика курсидан маълум бўлган векторлар, матрицалар ва тензорларни кўрсатиш мумкин. Программада ишлатилувчи барча массивларга ўзига хос исм бериш керак. Массивнинг ҳар бир ҳадига мурожаат эса унинг номи ва ўрта қавс ичига олиб ёзилган тартиб ҳади орқали амалга оширилади. Массивнинг зарур ҳадига мурожаат куйидагича амалга оширилади: <массив номи>[<индекс>]

бу ерда <индекс> массив ҳадининг жойлашган жойини англатувчи тартиб қиймати.

Умуман олганда, <индекс> ўрнида ифода қатнашиши ҳам мумкин. Индексни ифодаловчи ифоданинг типини индекс типи деб аталади. Индекс типининг қийматлар тўплами албатта номерланган тўплам бўлиши, шу билан бир қаторда массив ҳадлари сонини аниқлаш ва уларнинг тартибини белгилаши керак. Массивларни эълон қилишда индекс типи билан бир қаторда массив ҳадларининг типи ҳам кўрсатилиши керак. Бир ўлчамли массивни эълон қилиш куйидагича амалга оширилади: array [<индекс типи>] of <ҳад типи>;

Кўпинча <индекс типи> сифатида чекланма типлардан фойдаланилади, чунки бу типга тегишли тўплам тартибланган ва қатъий номерлангандир. Мисол учун 100 та ҳақиқий сонли ҳадлардан иборат массив куйидагича эълон қилинади: array [1..100] of real;

Массивларни эълон қилиш ҳақида тўлиқроқ маълумот бериш учун турли типдаги индексларга оид мисолларни эътиборингизга ҳавола қиламиз:

```
array [1000..5000] of integer;
array [-754..-1] of byte;
array [0..100] of real;
array [0..10] of boolean;
array [10..25] of char;
```

Кўп ўлчамли массивлар

Бир ўлчамли массивларнинг ҳадлари скаляр миқдорлар бўлган эди. Умумий ҳолда эса массив ҳадлари ўз навбатида яна массивлар бўлиши мумкин, агар бу массивлар скаляр миқдорлар бўлса натижада икки ўлчамли массивлар ҳосил бўлади. Икки ўлчамли массивларга мисол сифатида математика курсидаги матрицаларни келтириш мумкин. Агар бир ўлчамли массивнинг ҳадлари ўз навбатида матрицалар бўлса натижада уч ўлчовли массивлар ҳосил қилинади ва ҳ.к. **Икки ўлчамли массив типини кўрсатиш куйидагича бажарилади:**

```
array [<индекс типи>] of array [<индекс типи>] of <скаляр тип>;
```

Икки ўлчамли массив индексларининг типлари турли хил ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолни куйидаги мисол устида кўриб чиқайлик:


```
const n = 24;  
type hafkun = (dush, sesh, chor, pay, jum, shan, yaksh);  
Ishkun = dush..jum;  
detson = array [1..n] of char;  
var A: array [boolean] of array [1..n] of char;  
B: detson;  
C: array [1..365] of detson;
```

Delphi нинг график имкониятлари

Delphi дастурчига турли хилдаги схемалар, чизмалар ва иллюстрациялар билан ишлаш имкониятларини беради. Дастур графикани объект (форма ёки компонент Image) сиртида ҳосил қилади. Объект сирти Canvas хусусиятига мос келади. График элемент (тўғри чизик, айлана, тўғри тўртбурчак ва ҳ.к.) ларни объект юзасида ҳосил қилиш учун Canvas дан фойдаланилади. Масалан, *Form1.Canvas.Rectangle(10,10,50,50)* инструкцияси дастур ойнасида тўғри тўртбурчак ҳосил қилади. *Чизма ҳосил бўлувчи сирт.*

Юқорида айтиб ўтилганидек, графикани ҳосил қилувчи сирт (юза) Canvas хусусиятига тўғри келади. Ўз навбатида Canvas хусусияти TCanvas типидagi объектдир. Бу тип услублари график примитивларни (нукта, чизик, айлана ва ҳ.к.) ҳосил бўлишини таъминлайди, хусусияти эса ҳосил бўлувчи графикани характеристикаларини: ранги, чизик қалинлиги ва тури; бўялувчи худудни ранги ва кўринишини; ҳарфни характеристикаларини беради. Canvas «сирт», «чизиш учун юза» сифатида таржима қилинади. Чизиш юзаси алоҳида нукта – пикселлардан ташкил топади. Пикселни жойлашуви горизонтал (X) ва вертикал (Y) координаталар билан характерланади.

Чап юқоридаги нукта координатаси (0,0). Координаталар юқоридан пастга ва чапдан ўнгга қараб ўсиб боради.



1-расм. Чизиш юзаси нукта координаталари.

Чизиш юзаси ўлчамларини иллюстрация (Image) худуди учун Height ва Width, форма учун эса ClientHeight ва ClientWidth лар аниқлаш мумкин.

Қалам ва мўйқалам.

Одатда рассом сурат чизиш учун қалам ва мўйқаламдан фойдаланади. Delphi нинг график имкониятлари ҳам қалам ва мўйқаламдан фойдаланиш имкониятларини яратади. Қаламдан чизиқ ва контур чизишда, мўйқаламдан эса контур билан чегараланган юзани бўяш учун фойдаланилади.

Қалам ва мўйқалам графикани чизиш юзасида ҳосил қилишда мос равишда Pen(қалам) ва Brush(мўйқалам) хусусиятларига ҳосдир. Шу билан бирга улар TPen ва TBrush типларига тегишлидир.

Қалам.

Қаламдан нукта, чизиқ, геометрик шакллар: тўғри тўртбурчак, айлана, эллипс ва ҳ.к. ларни чизишда қурол сифатида фойдаланилади. TPen объект хусусияти 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Хусусият	Вазифаси
Color	Чизиқ (контур) ранги
Width	Чизиқ қалинлиги
Style	Чизиқ кўриниши
Mode	Тасвирлаш режими

Color хусусияти чизувчи қалам рангини белгилайди. Қуйидаги 2-жадвалда PenColor хусусиятлари келтирилган:

2-жадвал

Константа	Ранг	Константа	Ранг
<i>clBlack</i>	қора	<i>clSilver</i>	кумушранг
<i>clMaroon</i>	каштанранг	<i>clRed</i>	қизил
<i>clGreen</i>	яшил	<i>clLime</i>	салатранг
<i>clOlive</i>	оливковий	<i>clBlue</i>	кўк
<i>clNavy</i>	тўқ кўк	<i>clFuchsia</i>	Fuchsia
<i>clPurple</i>	атиргулранг	<i>clAqua</i>	ёруј кўк
<i>clTeal</i>	Teal	<i>clWhite</i>	оқ
<i>clGray</i>	кулранг		

Width хусусияти чизувчи қалам қалинлигини (пикселда) белгилайди.

Масалан, *Canvas.Pen.Width:=2* чизиқ қалинлиги 2 пикселга тенг бўлади.

Style хусусияти чизилувчи чизиқнинг турини белгилайди. Style компонентлари 3-жадвалда келтирилган.

Константа	Чизиқ кўриниши
<i>psSolid</i>	Тўғри чизиқ
<i>psDash</i>	Узун штрихли пунктир чизиқ
<i>psDot</i>	Қисқа штрихли пунктир чизиқ
<i>psDashDot</i>	Узун-қисқа штрихли пунктир чизиқ
<i>PsDashDotDot</i>	Бир узун ва икки қисқа штрихли пунктир чизиқ
<i>PsClear</i>	Кўринмас чизиқ

Мўйқалам

Мўйқалам (Canvas.Brush)дан ёпиқ соҳаларни тўлдириш учун фойдаланилади, масалан, геометрик шаклларни бўяш ва ҳ.к. Мўйқалам объект сифатида қуйидаги икки хусусиятни ўз ичига олади:

Color – бўялувчи соҳа ранги

Style – тўлдирувчи соҳа типи

Масалан, контурнинг ички соҳаси бўялиши ёки штрихланиши мумкин.

Color хусусияти сифатида Tcolor нинг барча ўзгармасларидан фойдаланиш мумкин. Style хусусиятлари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Константа	Бўялувчи соҳа типи
bsSolid	тўлиқ
bsClear	Бўялмайди
bsHorizontal	горизонтал штрихлаш
bsVertical	вертикал штрихлаш
bsFDDiagonal	олдинга эгилган диагонал штрихлаш
bsBDDiagonal	орқага эгилган диагонал штрихлаш
bsCross	горизонтал-вертикал сеткали штрихлаш
bsDiagCross	диагонал сеткали штрихлаш

Матн ҳосил қилиш


График объект сиртида матнни ҳосил қилиш учун TextOut дан фойдаланилади. TextOut нинг ёзилиш формати қуйидагича:

Объект.Canvas.TextOut(x,y,Text);

Бу ерда Объект – матн ҳосил бўлувчи объект номи;

x,y – матн бошланувчи координата

Text – ҳосил бўлувчи белги катталикидаги матн ёки сатрли ўзгарувчи.



3-расм. Матн ҳосил бўлувчи соҳа координатаси

ҳосил бўлувчи матн белгилари Canvas объектига мувофиқ келувчи Font хусусияти орқали ифодаланади. Font хусусияти TFont объектига тегишли бўлиб, 5-жадвалда белги характеристикалари ва қўлланилувчи услублари келтирилган.

5-жадвал

Хусусият	Аниқланиши
Name	Фойдаланилувчи шрифт. Қиймат сифатида шрифт номи ёзилади, масалан, Arial Cyr
Size	пунктларда ифодаланилувчи шрифт ўлчами. Пункт-полиграфияда қўлланилувчи ўлчов бирлиги бўлиб, у тахминан 1/72 дюйм ¹ га тенг
Style	белгини ёзиш усули, қуйидагича бўлиши мумкин: оддий, қалин, курсив, остига чизилган, устига чизилган. Булар қуйидаги константалар ёрдамида амалга оширилади: <i>fsBold</i> (қалин), <i>fsItalic</i> (курсив), <i>fsUnderline</i> (остига чизилган), <i>fsStrikeOut</i> (устига чизилган). style бир нечта усулларни комбинация қилиши мумкин. Масалан, қалин курсив ҳолатини ифодалаш: <i>Объект.Canvas.Font:=[fsBold, fsItalic]</i>
Color	Белги ранги. Қиймат сифатида TColor константаларидан фойдаланиш мумкин.

Қуйидаги дастур қисми TextOut функциясини қўллаш учун мисол бўла олади:

with Form1.Canvas do

begin

Brush.Color:=Form1.Color;

Font.Size:=14;

Font.Style:=[fsItalic, fsBold];

```
TextOut(10,10,'Salom, Delphi!');
```

```
End;
```

Матн эканда ҳосил бўлгандан сўнг кўрсаткич унинг ўнг юқори бурчагига силжийди.

Баъзида матндан сўнг бирор маълумотни чиқариш керак бўлиб қолади. Агар матн узунлиги номаълум бўлса кўрсаткич турган координатани аниқлаш мушкул. Масалан «сўм» сўзини рақамдан кейин ҳосил қилиш керак бўлсин. Бундай ҳолатларда кўрсаткич турган координатадан бошлаб давом этиш учун PenPos дан фойдаланишга тўғри келади:

```
TextOut(10,10,SumPr); // SumPr – String типли катталик
```

```
TextOut(PenPos.X, PenPos.Y, 'сум');
```

Тўғри чизиқ.

Delphi да тўғри чизиқ ҳосил қилиш учун LineTo дан фойдаланилади. Унинг ёзилиш формати куйидагича:

Компонент.Canvas.LineTo(x,y)

LineTo тўғри чизиқни қалам (кўрсаткич) турган координатадан бошлаб x,y – нуқтагача чизади. Шунинг учун чизиқнинг бошланғич нуқтасини керакли жойга ўрнатиб олиш лозим бўлади. Бунда биз MoveTo га мурожаат қиламиз:

Компонент.Canvas.MoveTo(X0,Y0)

Чизиқнинг кўриниши (ранги, калинлиги ва тури) Pen объекти билан ифодаланади.

Айлана ва эллипс.


Ellipse услуби эллипс ва айлана чизиш учун қўланилади. Ellipse нинг ёзилиш формати куйидагича:

Объект.Canvas.Ellipse(x1,y1,x2,y2)

бу ерда, объект – чизма ҳосил бўлувчи объект номи;

$x1,y1,x2,y2$ – ҳосил бўлувчи айлана ёки эллипсга ташқи чизилган тўғри тўртбурчакнинг мос равишда юқори чап ва қуйи ўнг нуқталарини координаталари (4-расм).

Чизиқнинг кўриниши (ранги, калинлиги ва тури) Pen объекти билан ифодаланади.



4-расм.

Ёй.

Ёй ҳосил қилиш учун Arc услубидан фойдаланилади. Унинг ёзилиш формати куйидагича:

Объект.Canvas.Arc(x1,y1,x2,y2,x3,y3,x4,y4)


бу ерда, объект – ёй чизилувчи объект номи;

$x1,y1,x2,y2$ – ҳосил бўлувчи ёйни давом эттириб ҳосил қилинувчи эллипс (айлана)га ташқи чизилган тўғри тўртбурчакнинг мос координаталари;

$x3,y3$ – ёйнинг бошланғич нуқтаси;

$x4,y4$ – ёйнинг тугаш нуқтаси.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, ёй соат стрелкаси йўналишига қарама-қарши йўналишда чизилади (5-расм).



5-расм.

Чизиқнинг кўриниши (ранги, қалинлиги ва тури) Pen объекти билан ифодаланади.

Тўғри тўртбурчак.

Тўғри тўртбурчак ҳосил қилишда Rectangle услубидан фойдаланилади. Унинг ёзилиш формати куйидагича:

Объект. Canvas.Rectangle(x1,y1,x2,y2)

Бу ерда

объект – тасвир ҳосил бўлувчи объект номи;

x1,y2,x2,y2 – тўғри тўртбурчакнинг мос равишда юқори чап ва қуйи ўнг бурчак координаталари.

RoundRec услуби ҳам тўғри тўртбурчак чизади, фақат Rectangle дан фарқи шундаки, унинг бурчаклари юмалоқ (силлиқ) шаклда бўлади. Ёзилиш формати:


Объект. Canvas.RoundRec(x1,y1,x2,y2)

Бу ерда

объект – тасвир ҳосил бўлувчи объект номи;

x1,y2,x2,y2 – тўғри тўртбурчакнинг мос равишда юқори чап ва қуйи ўнг бурчак координаталари;

x3,y3 – юмалоқ ҳосил қилишда қўлланилувчи эллипс ўлчамлари (6-расм).



Кўпбурчак.

(x1,y1) Polygon дан фойдаланиб кўпбурчак чизиш мумкин. Polygon

